

Вилоят ҳокимининг 2017 йил
«11» мартдаги 106-Қ сонли
қарорига 4-илова

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олиннадиган
бир марталик йиғимларнинг миқдорлари

(с/м ҳисобиди)

№/р	Тўлов тури	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори
1	Махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:		
1.1.	6 кв. метргача	1 ўрин/қунга	4700
1.2.	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/қунга	6800
1.3.	15 дан - 30 кв. метргача	1 ўрин/қунга	8000
2	Қурилиш материалларини вақтинчалик сақлаш учун	1 ўрин/қунга	5500
3	Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светильниклар ва х.к.) сотиш (6 кв. метргача)	1 ўрин/қунга	5000
4	Маҳаллий (терак, камич, сомон ва х.к.) ва эски қурилиш материаллари	бир кв. метр	180

Вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиги

А.Каримов

Вилоят Давлат солиқ Бошқармаси бошлиги

З.Норқўзиев

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2017 у.г. « 11 » март № 106-Қ

Samarqand sh., – г. Самарканд

Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олиннадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматларнинг янги миқдорларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 20 январда 2854-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 13 январдаги 2 ва 2017-02-сонли “Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олиннадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматларнинг янги миқдорлари 1, 2, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 16 февралдаги “Вилоятдаги бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олиннадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматларнинг янги миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 45-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг қарорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжайиёвнинг имзога юклатилсин.



Вилоят ҳокими

Х.Окбутаев

